

# ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ МОТИВЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

<sup>1</sup>Жуманова Насиба Шербаевна умумий психология кафедраси катта ўқитувчиси

<sup>2</sup>Ҳамидова Маъмура Абдуғаффор кизи Педагогика ва психология йўналиши 2-босқич магистри

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларининг ўқув мотивларини шакллантириш борасидаги технологияларнинг роли, предметларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни келтириб чиқарувчи асосий омил сифатида ўқув мотивациясини тўғри йўналтира олмаслик эканлиги ҳақидаги айрим масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий мотив, ўқув мотиви, мотивация, когнитив мотив, объектив, субъектив таъсир, рағбат, ҳиссий боғлиқлик.

Бугунги кунда таълим тизимига малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли фармони ҳамда 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарорига асосан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясида болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторида жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари педагог-тарбиячилари, раҳбар кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифаси белгиланган. Мазкур

муаммоларни ечишда олий таълим тизими ҳам алоҳида ўрин тутди. Олий таълим жараёнида бўлажак тарбиячиларда касбий мотивацияни шакллантириш таълим тизимида сифатли таълимни ташкил этишни таъминлайди.

Ўқув мотивациясини асосини фақатгина ўқувчининг таълим жарёнини бошқариши эмас, балки ўқувчи шахсини шаклланишини уйғун ҳолда қамраб олишга қаратилганлиги билан характерланади. Жумладан, ўқувчиларда ўқув мотивини шакллантириш фақат фанларга нисбатан иштиёқ, қизиқиш ва интилишни ривожлантириш билан чегараланмасдан, балки улар онгида жамиятимизда қабул қилинган меъёр ҳамда кадриятларни тарбиялаш кабиларни шакллантиришни ҳам қамраб олади. Психология соҳасида мотивация ҳақида гап борганда, таълим тизими билан боғлиқ бўлган муайян мотивлар турига алоҳида назар ташланади. Таълим тизимида ўқув фаолиятини бошқариш билан бирга ўқувчи шахсида ўз-ўзини назорат қилиш ва англаш кабиларни ҳам яхлит шакллантиришни қамраб олади. Шунга кўра, ўқув мотивларнинг иккита катта гуруҳини ажратиш одатий ҳолдир: 1) таълим фаолияти мазмуни ва уни ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган когнитив мотивлар; 2) ўқувчининг бошқа шахслар билан турли шахслараро муносабатларини қамраб олувчи ижтимоий мотивлар. Ушбу мотивлар гуруҳи психологик адабиётларда кенг қамровли тасвирланган. Ўз навбатида биринчи катта мотивлар гуруҳини бир нечта кичик гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) мактаб ўқувчиларини янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиришдан иборат кенг қамровли когнитив мотивлар. Улар даражалари бўйича ҳам фарқланади. Бу даражалар билимга қизиқиш чуқурлиги билан белгиланади. Бу янги қизиқарли манбаларга, ҳодисаларга қизиқиш ёки ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларига, яъни дедуктив хулосалар чиқаришга ёки ўқув материалидаги хилма-хилликка, назарий тамойилларга, асосий ғояларга ва ҳоказоларга қизиқиш бўлиши мумкин; 2) мактаб ўқувчиларини билим олиш усулларини ўзлаштиришга йўналтиришдан иборат бўлган ўқув мотивлар:

билимларни мустақил эгаллаш, илмий билиш, ўқув ишларида ўз-ўзини тартибга солишга интилиш; 3) мактаб ўқувчиларини билим олиш усулларини мустақил равишда такомиллаштиришга йўналтиришдан иборат бўлган ўз-ўзини тарбиялаш мотивлари. Бу когнитив мотивларларнинг барчаси мактаб ўқувчиларининг ўзи билан ўзи курашини, муваффақиятга эришиш истаги ва таълим-тарбия ишларидаги қийинчиликларини енгиб ўтишни таъминлайди, ўқув фаоллиги ҳамда ташаббусини келтириб чиқаради, натижада шахснинг малакали бўлишга интилиши шаклланади. Шу ўринда ўқувчи шахсининг камол топишида қайси мотивларнинг ўрни муҳимлиги ҳақида фикр туғилади. Бизнингча, ҳар иккала мотивлар ҳам бола ҳаёти учун ижтимоий аҳамиятга эгаллиги, жамиятда ўз ўрнини топишида асосий туртки вазифасини бажаришлигини биламиз. Шунини таъкидлаш керакки, шахснинг баркамол ривожланиши учун ҳар иккала мотив йўналишлари ҳам комбинация тарзда шаклланмоғи зарурдир. Лекин, айрим когнитив ва ижтимоий йўналишлардаги мотивлар ички субъектив, ҳамда ташқи объектив таъсирлар натижасида жамоавийликка, тор индивидуалликка (фақат ўзим тарзида) ёки эгоистликка йўналганлигини кўрамиз. Тадқиқотимизнинг асосий моҳиятидан бири ана шу ўз манфаатини бошқалардан устун қўйишга интилган ўқувчиларни педагогик-психологик таъсир воситаларини қўллаш орқали уларни мақсади йўлида бошқаларни ҳам қўллаб-қувватловчи характер сифатларини шакллантиришдан иборат. Бу борада психолог И. А. Осипова томонидан келтирилган тушунчаларда қўйидаги қарашлар мавжуд. Мотивация - бу одамнинг ташқи кўринишларида, унинг атрофидаги дунёга, турли хил фаолият турларига нисбатан ўз ифодасини топадиган инсоннинг ички психологик хусусиятидир. Мотивсиз ёки заиф мотивли фаолият ё умуман амалга оширилмайди ёки ўта беқарор бўлиб чиқади. Бунда ўқувчи-ёшларнинг маълум бир вазиятда ўзини қандай ҳис қилиши, шунингдек, ўқув жараёнини ўзлаштиришдаги ҳаракатларини намоён бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Мактаб ўқувчилари орасида ўзини-ўзи баҳолаш ва ўзлаштириши

жихатдан кучсиз ўқувчиларни ҳам учратамизки, албатта уларда, муваффақиятга эришиш учун мотивация даражасининг пастлигини кўрамиз. Айнан шундай ўқувчилар билан ишлаш давомида ўқитувчилардан педагогик маҳорат ва компетенция талаб этилади. Бу борада фикр юритган Ф.Н. Алипханова ва З.А. Арскиевалар педагогларнинг касбий сифатларидан бири ва асоси бўлган ўқувчилар билан ўзаро шахслараро муносабатларда уларга нисбатан қизиқиш, эмпатия ҳамда оптимистик муносабатда бўлиш зарурият эканлиги, бу эса ўз навбатида ўқувчиларда ижобий хис-туғуларнинг ривожланишига, ўзига ҳурмат, ишонч хиссини ривожлантиришга ёрдам беришликни таъкидлаб ўтади. Ушбу хусусиятларнинг ривожланиши ўқувчи шахсида муваффақиятга интилиш мотивини шакллантириб, натижада когнитив мотивларга йўналтирилган фаолиятни яратиб беради. Зеро, ўқувчининг ўқув мотивациясини хусусиятлари синф жамоасидаги психологик ҳолатига бевосита боғлиқ бўлиб, айнан муваффақиятга интилиш мотивларини ривожлантиришда педагогларнинг ўқувчиларга нисбатан хиссий боғлиқлиги билан характерланади. Ўқитувчи томонидан амалга оширилган ғамхўрлик ва мақтовлар ҳар қандай ўқувчида ўзини-ўзи ва бошқаларни кадрлаш туйғусини шакллантиради. Бу шуниси билан изоҳланадики, ўқувчи томонидан ўзини кадрланиб бориши ўзига нисбатан ишончнинг ошишига ва мустақил ҳаракат қилишга йўналтиради. Шунингдек, ўқувчи мотивацияни катталар томонидан бериладиган қайсидир рағбатлар таъсирида ҳам олади. Бизнингча, ушбу рағбатлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: - ўқувчи шахсининг ҳақиқий ютуқларига мувофиқ натижаларни ўз вақтида ва тизимли баҳолаш; - узоқ мақсадларни амалга оширишга ишонтириш; - ўртача мураккабликдаги вазифаларни қўйиш, уларни ҳал қилиш ўқувчи учун энг юқори завқ бағишлайди; - бошланган ишни охирига етказиш истагини ривожлантириш ўзига ва қобилиятига ишонч, бажарилган иш учун масъулиятни шакллантириб боради. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда мактаб ўқувчиларининг

мотивацион соҳасига фаол муносабат орқали таъсир этиш усулини қўллаш уларнинг мотивацион фаолиятини ривожланишига омил бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Jumanova, Nasiba Sherbayevna, & Abduvaliyeva, Nilufar Ne'Matulla Qizi (2022). O'SMIRLARDA SALBIY XULQ-ATVOR NAMOYON BO'LISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 625-629.
2. Jumanova, N., & Vahobova, M. (2022). KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNING AQLIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK JIHATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/58614>.
3. Jumanova, N., & Abirqulova, S. (2022). O'SMIRLIK DAVRIDA AGRESSIV HOLATLAR RIVOJLANISHINING PSIXOLOGIK JIHATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/59115>
4. Jumanova, Nasiba Sherbayevna, & Abduvaliyeva, Nilufar Ne'Matulla Qizi (2022). O'SMIRLARDA SALBIY XULQ-ATVOR NAMOYON BO'LISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 625-629.
5. Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.
6. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).
7. Жуманова, Н. Ш., Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Развитие инновационных систем в образовании. Молодой ученый, (4), 777-778.

8. Jumanova, N., & Abduvalieva, N. A. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KASBIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5).  
извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5107>
9. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).
10. Атамуродова, Р. К., Жуманова, Н. Ш., & Алимкулов, С. О. У. (2016). Взгляды учёных средневековья о душе человека. Проблемы педагогики, (8 (19)).
11. Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
12. Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>
13. Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>
14. KUSHVAKTOV, N., & ISOKULOV, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.
15. Ҳасанбоев ЖХ, Т. Х., Равшанов, О. А., & Кушвактов, Н. Х. (2007). Миллий педагогика миз тарихий ил дидларива баркамол авлод тарбияси. *Жиззах*, 116, 18-19.

16. Kushvaktov, N. X. (2006). Pedagogical and computer bases of study and preparation of students of national-spiritual values.
17. Husanovich, K. N. (2023). TECHNOLOGY OF DEVELOPING SPIRITUAL CULTURE OF FUTURE TEACHERS. *Journal of Modern Educational Achievements*, 2(1), 64-69.
18. Komilova, A., & Adilova, M. (2023). АГРЕССИЯ - РАЗВИТИЕ АГЕНТНОСТИ У ПОДРОСТКОВ КАК ЭФФЕКТИВНОЕ ЯВЛЕНИЕ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(1).  
извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8256>
19. Husanovich, K. N. (2023). PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF AN SELFLESS PERSON. *Journal of marketing, business and management*, 1(10), 10-13.
20. Усманов, Н. У., & Кушвактов, Н. Х. (2009). Научно-методическое обеспечение формирования основ здорового образа жизни у студенческой молодёжи. *Известия Самарского научного центра Российской академии наук*, 11(4-6), 1458-1462.
21. Komilova, A., Husenova, M., & Xidirova, M. (2023). O'SMIR YOSHIDAGI O'QUVCHILARNI KASB HUNARGA YO'NALTIRISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 3(1).  
извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8257>
22. Sunatullaevna, K. A., & Axmedovich, R. O. (2022). Internet is a depression. The benefits and harms of cyberspace on the human psyche. *Eurasian Scientific Herald*, 5, 69-73.
23. Комилова, А. С., & Равшанов, О. А. (2022). TALABALARDA O'ZIGA BO'LGAN ISHONCH VA PSIXOLOGIK MADANIYATNI OSHIRISH: Komilova Aziza Sunatullaevna, *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (4), 267-270.

24. Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Психолого-педагогическая работа по организации самовоспитания подростков. *Молодой ученый*, (10), 1306-1308.
25. Комилова, А. (2021). Роль родителей в подготовке молодежи к семейной жизни. *Общество и инновации*, 2(10/S), 437-441.
26. Жуманова, Н. Ш., Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Развитие инновационных систем в образовании. *Молодой ученый*, (4), 777-778.
27. Алимкулов, С. О. У., Мелибоев, А. Р., Комилова, А. С., & Туракулов, Л. Т. (2016). Решение разных проблем в образовании с помощью 3D-технологии. *Проблемы педагогики*, (12 (23)), 12-13.
28. Sunatullaevna, K. A. (2022). KITOBXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 518-521.
29. Sunatullaevna, K. A., & Qudratovna, N. F. (2022). INTERFAOL METODLARNI QO'LLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 521-525.